

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/30.12.2019.Tib.64.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ҚОДИРОВ ШУКРУЛЛО САЛИМОВИЧ

**ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ БОР БЕМОРЛАРДА ТЕРИ ОРҚАЛИ
КОРОНАР АРАЛАШУВЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИҚДА
ГАСТРОДУОДЕНАЛ ЗОНА ШИКАСТЛАНИШИНИНГ
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШНИ МУҚОБИЛЛАШТИРИШ**

14.00.06 – Кардиология

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Қодиров Шукрулло Салимович

Юрак ишемик касаллиги бор беморларда тери орқали коронар аралашувларга тайёргарликда гастродуоденал зона шикастланишининг диагностикаси ва даволашини муқобиллаштириш..... 3

Қодиров Шукрулло Салимович

Оптимизация диагностики и лечения поражений гастродуоденальной зоны у больных ишемической болезнью сердца при подготовке к чрескожным коронарным вмешательствам..... 27

Kodirov Shukrullo Salimovich

Optimization of diagnosis and treatment of gastroduodenal zone lesions in patients with coronary artery disease in preparation for percutaneous coronary interventions..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/30.12.2019.Tib.64.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ҚОДИРОВ ШУКРУЛЛО САЛИМОВИЧ

**ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ БОР БЕМОРЛАРДА ТЕРИ ОРҚАЛИ
КОРОНАР АРАЛАШУВЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИҚДА
ГАСТРОДУОДЕНАЛ ЗОНА ШИКАСТЛАНИШИНИНГ
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШНИ МУҚОБИЛЛАШТИРИШ**

14.00.06 – Кардиология

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Tib746 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.cardiocenter.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Тригулова Раиса Хусаниовна
тиббиёт фанлари доктори

Даминова Лола Турғунпулатовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуллаев Тимур Атаназарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Каримов Мирвасит Мирвасикович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил «17» февраль соат 12 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани, Осие кўчаси 4-уй. Тел./Факс (99871)237-31-57, e-mail: info@cardiocenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (39 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100052, Тошкент Мирзо Улуғбек тумани, Осие кўчаси, 4-уй. Тел./Факс (99871)237-31-57).

Диссертация автореферати 2022 йил «2» февраль кuni тарқатилди.
(2022 йил «2» февраль даги 14 рақамли реестр баённомаси)



Р.Д. Курбанов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, академик

Г.У. Муллабаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Х. Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК), биринчи навбатда юрак ишемик касаллиги (ЮИК) ва унинг асоратлари, иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш тизимидаги энг асосий муаммолардан бири бўлиб, касалланишнинг, беморлар меҳнатга лаёқатлилигини йўқотиши ва ўлим ҳолатлари юзасидан юқори даражаси билан асосланади. «ЖССТ маълумотларига кўра»¹, унинг частотаси 12-50% ни ташкил қилади. Адабиётларда ЮИК беморларида гастродуоденал зона (ГДЗ) патологиялари билан уйғун кечаётгани масаласи фаол муҳокама қилинмоқда ва бугунги кунда бу касалликларнинг танатогенезида ЮҚТК ва улар билан боғлиқ ГДЗ қон кетишларининг ўрни етарлича баҳоланмаганлиги, турли тадқиқотлар ЮҚТК нинг сабаблари ва омилларини йиғишга, ҳамда бу омиллар орасида биринчи ўринда ГДЗ шиллиқ қавати ишемиясининг ўткир ва сурункали шакллари, унинг ёшга доир инволюцияси, хеликобактериоз, рефлюкс-гастрит, кўп аъзоларда етишмовчилик, дори-воситаларидан зарарланишлар туради.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида ЮҚТК бор беморларда ўткир эрозия – яра шикастланишлари (ЎЭЯШ) нинг ўсиши ва бунда унинг частотаси 80-90% га, улар асосида меъда ичак қон кетиши (МИҚК) – 45-55% ни ташкил этмоқда. Бир қатор тадқиқотчилар «сўнгги ўн йилда ЎЭЯШ дан ўлим ҳолати учдан бир қисмга ортганини айтмоқдалар, ва бу ҳолат тадқиқот натижаларини касалликларни олдини олиш, ташхислаш ва даволаш»² клиник амалиётига жорий этилганига қарамай содир бўлмоқда. Муаллифлар фикрига кўра, ЮИК ва церебро-васкуляр касалликлари (ЦВК) бор беморларда эрозиялар ва яралар асосан меъдада (88% ва 74%), ўн икки бармоқ ичак (ЎИБИ) да (12%), ҳамда меъда ва ЎИБИ ичакдаги уйғун ҳолат – 14% жойлашган.

Мамлакатимизда аҳолига сифатли ихтисослаштирилган кардиологик ёрдам кўрсатиш ва амалий тиббиётга юқори технологик услубларни жорий қилиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналишлар бўйича ҳаракатлар стратегиясида» аҳолига тиббий ва ижтимоий – тиббий хизматлар кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, аҳоли касалланиш даражасини пасайтиришни ва ҳаёт давомийлигини узайтиришни таъминлаш каби вазифалар қўйилган. Шу муносабат билан кардиология соҳасини изчил ривожлантириш, юрак- қон томир касалликлари сабабли ўлим ҳолати ва ногиронликнинг олдини олиш чоралари ишлаб чиқиш ва уларни соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини шароитида ва бошқа бўғинларига татбиқ қилиш бўйича вазифалар муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар

¹ Word health statistics. Word Health Organization.2015.

² Лазебник Л.Б., Комиссаренко И.А., Михеева О.М. Сердечно-сосудистая патология при заболеваниях органов пищеварения. //Эксперим.клиническая гастроэнтерология. – М.,2011. - №5. – С.69 – 72.

стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 12 июндаги ПҚ-3052-сон «Соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3017-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»³ ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Меъда гастродуоденал яралари ва ЎИБИ ни даволаш бўйича замонавий адабиётлардаги маълумотлар ва тажрибани ўрганиш шуни намоён қилдики, мазкур муаммо долзарблигича қолмоқда ва келтирилаётган гипотезалар ЮИК беморларида ярали шикастланиш ўзгаришларини бартараф қилишнинг стратегик ва тактик имкониятлар режасини ташкил қилади (Буканова Т.Ю, 2018). Меъда яра касаллиги (МЯК) ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги (ЎИБИЯК) бўлган ЮИК беморлари коморбидлиги ва синтропияси, маҳаллий микроқон айланишининг бузилиши ҳақида етарлича маълумотлар ўтказилаётган тадқиқотлар комплекс даволаш ўтказиш зарурати ҳақидаги хулосалари билан тасдиқланади (Эфрос Л.А., Лукин О.П., Самородская И.В., Семенов В.Ю., Сумин А.Н., Иванов С.В., Евсеева М.В., Барбараш О.Л, 2017).

Мазкур касаллиги бўлган турли ёшдаги беморларни даволаш муаммоли бўлиб қолмоқда, ва улар кўшимча тадқиқотларни талаб этади (Комаров А.Л., Шахматова Р.И., Мурасеева В., Новикова Е.С., Гуськова Е.В., Панченко Е.П, 2018). Бугунги кунда даволаш мақсадида қўлланилаётган услублар қуйидагича: эрадикацион ярага қарши терапия, локал эндоскопия терапияси, жарроҳлик амалиётлари. Энг эҳтиёткор ва физиологик услуб эрадикацион терапия бўлиб, у ярага қарши даволашдан иборатдир (Каратеев А.Е, 2016).

Мамлакатимиз амалий тиббиётида ҳам изланувчилар томонидан ЮИК беморларида эрозив-яраланишларни шикастланишларни ўрганиш, олдини олиш, даволаш ва бартараф қилишнинг стратегик ва тактик алгоритмлари ишлаб чиқилмоқда (Каримов Ш.И., Хақимов М.Ш., Матқулиев У.И., Каримов М.Р., Ашуров Ш.Э., Абдуллаев Ж.С, 2016). Ўтказилаётган даволаш услублари фонида ЮИК беморларида эрозив-яраланишларнинг битиш муддатлари масалалари ҳам ўта подемикдир, шунингдек, гастродуоденал зарарланишларнинг эндоскопик тавсифи масалалари ҳам муфассал ўрганилмаган. Бу муаммоларнинг ечими учун бу йўналишдаги тадқиқотларни давом эттириш керак (Нишонов Ф.Н., Нишанов М.Ф., Абдуллажонов Б.Р., Отақузиёв А.З., Мамарасулов М.М, 2015).

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170912103 «Фармакогенетик услублар ва маҳаллий гипополипидемик воситалар қўллаган ҳолда ЮИК беморларидаги атероген резистент дислипидемияни барвақт ташхислаш, хавф-стратификациялаш ва даволаш усуллари ишланмаси», ППИ-10 «Аҳоли саломатлигини ҳимоя қилишни касалликларнинг ташхислаш, даволаш ва олдини олишнинг янги технологиялари ва услубларини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштириш» дастури доирасида бажарилган (2018-2020)йй.

Тадқиқот мақсади: юрак ишемик касаллиги бор беморларни рентгенэндоваскуляр амалиётга тайёргарлик олдидан меъда ва ўн икки бармоқ ичак шикастланиши хусусиятларини баҳолаш ва бу беморларни кузатишда ташхислаш-даволаш тактикасини муқобиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари қуйдагилардан иборат:

меъда ва ўн икки бармоқ ичак эрозив-яра шикастланишларининг фонида юрак ишемик касаллигини клиник кечиши хусусиятларини аниқлаш;

юрак ишемик касаллиги бўлган беморларни рентгенэндоваскуляр амалиётга тайёрлашда меъда ва ўн икки бармоқ ичак эрозив-яра зарарланиши турли кўринишларининг учрашини баҳолаш;

юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда меъда ва ўн икки бармоқ ичак клиник ва эндоскопик хусусиятларини таққослаш;

анти тромбик терапиянинг турли схемасидан келиб чиқиб, юрак ишемик касаллиги бор беморларда меъда ва ўн икки бармоқ ичак эрозив-яра шикастланишлари табиатини баҳолаш;

юрак ишемик касаллиги бўлган беморларни рентгенэндоваскуляр амалиётга тайёрлашда меъда ва ўн икки бармоқ ичак эрозив-яра шикастланишини битиш динамикасига қаратилган терапиянинг турли схемаларини қиёсий баҳолашни ўтқазиш.

Тадқиқот объекти Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида кузатув остида бўлган ўзбек популяциясига мансуб бўлган гастродуоденал зона эрозив-ярали шикастланишлари бўлган ЮИК 146 нафар бемордан иборат бўлган.

Тадқиқот предмети сифатида анамнез, физикал маълумотлар, ЭКГ, эхокардиография кўрсаткичлари, эзофагогастродуоденоскопия натижалари, қоннинг лаборатор текширувлари, жумладан, бактериологик (хеликобактер пилоры), липидлар алмашинуви ва коагулограмма кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, функционал, инструментал, биокимёвий, бактериологик, шунингдек сўровномалар ва статистик таҳлилдан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

меъда ва ўн икки бармоқ ичак ярали шикастланишлари билан ёндош юрак ишемик касаллиги бор беморларда илк бора иккала патологиянинг клиник аломатлари ва хусусиятлари аниқланган;

юрак ишемик касаллиги бор беморларни тери орқали коронар аралашувларга тайёрлашда (ТОКА) меъда ва ўн икки бармоқ ичак шиллик қават шикастланишлари эндоскопик кўриниши баҳоланган;

тери орқали коронар аралашувига эҳтиёжи бўлган юрак ишемик касаллиги бор беморларда, антитромботик терапия тури ва давомийлигига боғлиқ бўлган эрозив-ярали зарарланишларининг шаклланиш частотаси аниқланган;

«Пепсан Р» ва «Галавит» дори воситаларини меъда ва ўн икки бармоқ ичак яра касалликлари бўлган юрак ишемик касаллиги бор беморларнинг стандарт ярага қарши терапиясига киритилиши гастродуоденал зонанинг шиллик қаватидаги репаратив жараёнлар муддатининг қисқаришига ижобий таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

юрак ишемик касалиги бор беморларни тери орқали коронар аралашувига тайёрлашда терапия услубини аниқлаб олиш учун меъда ва ўн икки бармоқ ичак яра-эрозив шикастланишларининг эндоскопик тавсифларини аниқлашнинг амалий аҳамияти исботланган;

яраларни жойлашган ўрни, уларнинг ўлчами, чуқурлиги ва репарация муддатини аниқлашнинг компьютер дастури ишлаб чиқилган;

юрак ишемик касаллигининг маълум турларида антитромботик терапияга боғлиқ ҳолда меъда ва ўн икки бармоқ ичак яра-эрозив шикастланишларининг учраш частотаси ва табиати ўрнатилган;

пепсан Р ва Галавит воситаларининг меъда ва ўн икки бармоқ ичак яра-эрозив шикастланишлари бўлган юрак ишемик касаллиги бор беморларда стандарт ярага қарши терапияга киритилиши гастродуоденал шиллик қавати тезроқ репарация бўлишига ёрдам бергани исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва услублар, беморларнинг етарли ҳажми, тадқиқотнинг замонавий клиник, статистик, функционал, биокимёвий услублари, олинган натижаларнинг халқаро ва маҳаллий тажрибаси билан қиёсланиши, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, антиагрегант терапияга боғлиқ ҳолда, юрак ишемик касаллигининг турли шакллари билан касалланган беморларда меъда ва ўн икки бармоқ ичак яра-эрозив зарарланишларининг клиник-эндоскопик тавсифларини ўрганиш, ҳамда тери орқали коронар аралашувига тайёргарлик олдида юрак ишемик касаллиги бор беморларни ярага қарши терапиясини муқобиллаштиришда назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий қиймати, у олинган натижалар асосида ҳосил бўлган амалий тавсияларнинг жорий этилганида акс этган. Амалий аҳамиятнинг жорий этилиши ГДЗ яра-эрозив шикастланишлари бўлган ЮИК бор беморлар терапиясини муқобиллаш ва эрозия-яра зарарланиш эпителизациясини тезлаштиради ва натижада, тери орқали коронар аралашувига тайёргарлик муддатини қисқартириш имконини беради.

Ташхислашнинг мажмуавий услублари даволаш муддатларини қисқартириш ва даволаш чораларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юрак ишемик касаллигининг турли шакллари билан касалланган беморларда меъда ва ўн икки бармоқ ичак эрозив-яра зарарланишларининг клиник-эндоскопик тавсифларини ўрганиш, ҳамда тери орқали коронар аралашувларга тайёргарлик олдидан ярага қарши терапияси киритилиши ва гастродуоденал зонанинг шиллиқ қаватидаги репаратив жараёнлар муддатини қисқартириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда *Helicobacter pylori* инфекциясини ташхислаш чоралари ва даволаш тактикасини муқобиллаштириш мавзусида услубий тавсиянома тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 12 декабрь 2019 йилдаги 8 н-р/584-сон маълумотномаси).

Юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда гастродуоденал яраларини ташхислаш ва даволаш алгоритмини қўллаш мавзусида услубий тавсиянома тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 12 декабрь 2019 йилдаги 8 н-р/585-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномалар юрак ишемик касаллиги бор беморларда гастродуоденал шикастланишларни ташхислашда ҳам, даволашда ҳам, шахсга мослаб танлаш имконини берган, бу эса қон кетишлар ривожланиши ва қайта шифохонага тушиш хавфини пасайтиришга, ҳамда эндоваскуляр муолажалар ўтказилиш муддатларини қисқартиришга ёрдам берган.

Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яралари ўлчамларини аниқлаш усули бўйича «Gaster-Endoskopics Program» юқори аниқли диагнозларни аниқлаш учун маълумотларни оператив анализ қилиш тизими бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали модел патенти олинган (IAP 20190145, 07867,10.03.2020). Ушбу патент ярани чуқурлиги, ҳажми, ҳамда катталигини аниқ ўлчаш имконини берган.

Юрак ишемик касаллиги бор беморларда тери орқали коронар аралашувларга тайёргарликда гастродуоденал зона шикастланишини клиник-эндоскопик тавсифларини эрта баҳолаш ва ярага қарши терапияси киритилиши ва гастродуоденал зонанинг шиллиқ қаватидаги репаратив жараёнлар муддатини қисқартириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Жиззах вилояти кардиологик маркази, Бухоро вилояти кардиологик диспансери, Сирдарё вилояти кардиологик диспансери амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2021 йил 26 ноябрдаги 07-09/01 сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши юрак ишемик касаллиги бор беморларда гастродуоденал шикастланишларни эрта ташхислашда, даволашда, асоратли қон кетишларни олдини олишда, қайта шифохонага тушиш хавфини пасайтиришга, эндоваскуляр муолажалар ўтказилишга тайёргарлик даврини ва гастродуоденал зонанинг шиллиқ қаватидаги репаратив жараёнлар муддатини қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқотнинг натижалари 6 амалий коференцияда, жумладан 2 та халқаро ва 4 та Республика илмий-амалий коференцияларида муҳокама қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 3 таси Республика ва 7 таси халқаро илмий журналларда чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, шахсий тадқиқотлардан иборат 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 112 варақдан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, ишнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалий фаолиятга жорий қилиниши ёритилган, эълон қилинган ишлар бўйича ва диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“ЮИК беморларида меъда ва ўн икки бармоқли ичакнинг эрозив-ярали шикастланишлари: муаммонинг замонавий ҳолати”** деб номланган биринчи бобида танланган мавзуни ёритиш бўйича хориж ва Республика адабиётларидаги замонавий маълумотлари ўрганилган. Бу бобда ЮИК бор беморларда меъда ва ЎИБИ яра касаллиги тарқалганлиги, меъда ва ЎИБИ яра касаллиги патогенези, ташхислаш, даволаш ва профилактика услублари ҳақида маълумотлар келтирилди. Кейинги ўринда ўрганишни талаб этаётган масалалар доираси ва ишнинг долзарблиги асослаб берилди.

Диссертациянинг **“Беморлар ва тадқиқот услубларининг умумий тавсифи”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари ва услублари тавсифланган. Тадқиқотда меъда ва ЎИБИ гастродуоденал шикастланишлари билан ёндош ЮИК бўлган ва эндоваскуляр муолажалар учун шифохонада даволанаётган 146 нафар беморлар киритилган. Ҳамма беморлар баённома билан танишдилар ва тадқиқотда иштирок этишга рози бўлдилар. Истисно қилиш мезонларига безгак билан давом этадиган ўткир яллиғланиш касалликлари, онкологик, аутоиммун касалликларнинг хуруж босқичи, қон касалликлари (гемоглобин миқдори 100 гл дан кам) дан иборат бўлди.

Беморларнинг ўртача ёши $56,3 \pm 2,4$ ни ташкил қилди. Эркаклар 75,38% (110), аёллар - 24,62% (36) га тўғри келган. Устувор ёш гуруҳи 56 - 65 ёш (46,57%) ни ташкил қилди.

Беморларнинг клиник ташхисларини кўриб чиқиш жараёнида шу маълум бўлдики, 46,57% ҳолатда энг кўп учраган патология – ЮИК, ривожланиб

борувчи зўриқиш стенокардияси (РБЗС), функционал класс (ФК) 4, ҳамда ЮИК ФК3, ЮИК ФК2 бўлган. Мазкур вазият эркакларга мос келиб, учраш частотаси аёлларга нисбатан 2 марта кўп эканлиги аниқланган.

Текширилган беморларда (146) ЮҚТК патологияси ўз ривожланиши жараёнида ўрганилди ва аниқланишича, ЮҚТК орасида ЮИК ва постинфаркт кардиосклероз 96 (29,54%) беморда, хафақон касаллиги 131 (40,30%) беморда, инфарктсиз ЮИК 42 (12,92%), юрак ритми бузилиши эса 39 (12%) нафар беморда кузатилган. Ўткир миокард инфаркти (МИ) ва юрак нуқсонлари камроқ учраган (мос равишда, 5 (1,54%) ва 5 (1,54%)). Аксарият ҳолатларда 57% беморда ЮҚТК нинг мураккаб патологиялари аниқланган. Шифохонага келиб тушиш муддати ўрганиб чиқилганда эркаклар кузда (14,38%), кишда (39,04%) ва баҳор мавсумида (17,14%) кузатилган.

Барча беморларда гастродуоденал зонанинг эрозив-ярали шикастланишларининг битиб кетишига қаратилган терапия ўтказилган. Бу мақсад бўйича, беморлар ёши, жинси, антиагрегант терапияси ва гастродуоденал зонанинг оғир зарарланишларига қараб тақсимланган. Беморларнинг биринчи гуруҳида (А гуруҳи – 71 нафар бемор) ингибитор протон помпа (ИПП) гуруҳи воситаларидан пантопрозол (Нольпаза 40 мг кунига 1 мартадан 1 ой давомида) ва антацид восита (алмагель 2 чой қошиқдан кунига 3 маҳал овқатдан 30 дақиқа олдин 14 кун давомида) буюрилган. Иккинчи гуруҳ беморларга (Б гуруҳ – 75 нафар бемор) ИПП гуруҳидан пантопрозол (Нольпаза 40 мг кунига 1 марта 1 ой давомида), антацид воситаси (пепсан-Р гель кўринишида бир марталик дозаси 10 г, кунига 1 сашедан уч марта овқатдан олдин) ва (галавит воситаси 25 мг 1 таблеткадан кунига 3 марта тил остига 14 кун давомида) буюрилган. *Helicobacter pylori* (НР) инфекцияси бўлган беморларга гуруҳидан қатъий назар НР эрадиацияси учун антибиотиклар буюрилган (амоксциллин 1000 мг × 2 марта ва (кларитромицин 500мг × 2 марта, 14 кун давомида). Ярага қарши терапиянинг давомийлиги 2-4 ҳафтани ташкил қилди. Ярага қарши терапиянинг самарадорлиги ва эрозия-яра нуқсонларини битиш муддатларини назорат қилиш учун 7, 14 ва 28 кунда эзофагогастроуденоскопия (ЭГФДС) қилинди. Клиник-эндоскопик тадқиқотлар ўтказилишида қиёслаш гуруҳи сифатида юрак-қон томир патологияси бўлмаган ГДЗ да эрозив-яра шикастланишлари бўлган 75 нафар бемор танлаб олинди.

Қўйилган вазифаларни бажариш учун биз томондан тадқиқотнинг бир қатор клиник, лаборатор ва ускунавий услублари ўтказилди. Қон умумий таҳлили стандарт услубиёт бўйича бажарилган. Қон таркибий элементлари миқдори ва бошқа гематологик кўрсаткичлар Mindray (Китай) фирмасининг ВС-3000 Human фирмаси тест-системаси (Германия) ёрдамида амалга оширилди. Камқонлик аёлларда қон миқдорининг $Hb < 120$ г/л дан, эркакларда $Hb < 130$ г/л дан камайиши, зардоб темири пасайиши (эркакларда меъёрий миқдор -8,1-26,6 мкмоль/л, аёлларда -5,4-26,0 мкмоль/л) да, ферритин (эркакларда меъёрий миқдор -30-400 нг/мл, аёлларда – 50 ёшгача 15-150 нг/мл ва 50 ёшдан кейин 30-400 нг/мл), трансферин (оптимал миқдори - 2,0-3,6 г/л) таҳхис қилинган.

Коагулограмма Балуд В.П. ва муаллифдошлари (1980) нинг умумлаштирилган услубига мувофиқ фибриноген миқдорини аниқлаш, фаоллашган парциал (қисман) тромбопластин вақти (АПТВ-АЧТВ) аниқлаш орқали ўтказилган ва бу кўрсаткичлар Humaclot Duo (Германия) икки каналли автоматик коагулометрда аниқланган: протромбин вақти (ПВ) ва протромбин индекси (ПИ) Humaclot Duo (Германия) икки каналли автоматик коагулометрда аниқланган. Электрокардиография тадқиқоти стандарт услубида «Marquette–Hellige» (ХХР-АҚШ) аппарати ёрдамида 12 стандарт ажратилган бўлақларда (Marquette–Hellige, ХХР-АҚШ) ST сегменти силжиш таҳлили билан (депрессия ёки элевация мм да), Т кунгураси ўзгариши динамикада; юрак ультратовуш тадқиқоти амалга оширилди: стандарт услубиёти бўйича «АЛОКА – Multi-View» эхокардиографида, тадқиқотнинг умумий қабул қилинган тавсиялари бўйича чап қоринча (ЧҚ) якуний-диастолик, якуний-систолик ўлчамлари, ЧҚ орқа деворининг қалинлиги (ЧҚОДҚ) ва диастолага қоринчалар аро тўсиғи. Барча ўлчовлар 5 юрак циклида ўтказилган, сўнг натижаларнинг ўрта миқдори аниқланган. ЭКГ нинг кунлик мониторинги Cardiolab аппаратида (ХАИ, Украина). Холтер стандарт услубиёти бўйича амалга оширилган. Юрак ритми, ST силжиши, ЮУЧ минимал, максимал ва ўртача кўрсаткичи, ритм бузилиши баҳоланди. ЭФГДС услубиёти (меъда-ичак юқори бўлимлари ва МИТ юқори бўлимлари визуал назорати ва кейинги кўриги учун тубус киритилиши, қайд этиш, ва уларни компьютер дастурида киритиш) эзофагоскоп (PENTAX5000 ва FUJINON2500) ёрдамида махсус жиҳозланган ёруғ хонада амалга оширилди.

Амалий ишда Forrest Y.A (1987). бўйича меъда-ичак қон кетишлари умум қабул қилинган таснифлаш қўлланилган.

Фаол қон кетиши

- F1a тури – тиркираган қон оқими, артериал фавворадек отиладиган қон кетиши
- F1b тури – веноз, суст, паренхиматоз қон кетиши
Содир бўлган қон кетиши
- F2a тури – кўринарли тромбланган томир
- F2b тури – тўпланган тромб ёки тикилма
- F2c тури – яра тубининг геморрагик сингиши
Содир бўлган қон кетиши
- F3 тури – яра туби тоза, кўринарли визуал қон кетишлари мавжуд эмас.

ЭХМ дастурини ишлаб чиқиш бўйича патент ишланди (DGU 07867) (Pentium 4. Дастур тили C*, Java. Аниқланадиган муҳит: Windows 7/8/10), бунда яра ўлчамини махсус ишланган компьютер дастури ёрдамида аниқланилади, у эса олинган суратда нуқтали сурат ўлчамини аниқлаб беради. Бу маълумотни қўллаган ҳолда, яранинг баландлиги ва кенглиги ўлчанади.

НР-инфекцияси мавжудлигини аниқлаш қонда иммуно-фермент тадқиқоти таҳлили ва меъда шиллиқ қавати биоптатидан *H.pylori* га нисбатан

IG антитаначаларни аниқлаш учун экспресс тест ёрдамида морфологик тадқиқот асосида аниқланди (Тест –тизим Cypress Diagnostics H.pylori). Олинган натижаларнинг статистик ишлови MEDICALSTAT -2018 дастурида қиёсланаётган гуруҳлар учун χ ни ва (p) Стъюдент коэффицентини ҳисоблаш орқали амалга оширилган.

Маълумотларнинг математик ишлови STATISTICA-6,0 дастурий пакети ёрдамида амалга оширилган. Сонли кўрсаткичлар $M \pm m$ кўринишида келтирилган, бу ерда M – ўртача арифметик, m – ўртача арифметикнинг стандарт хатолик. Иккала гуруҳларда ўзгарувчан миқдорларнинг гуруҳлараро қиёсланишлари Стъюдент t критерияси ёки Колмогоров-Смирнов интеграл нопараметрик тести ёрдамида қўлланилган. Қайта ўлчовларни таҳлил қилишда жуфт Стъюдент критерияси қўлланилган. Гуруҳлар сифат аломатлари бўйича солиштирилганда χ^2 критерияси қўлланилган, шунингдек, Мак-Нимара критерияси ёки Фишер критерияси қўлланилган. Иккала гуруҳда гуруҳлараро ўзгарувчан миқдорлар орасидаги тобеликни аниқлаш учун Пирсон чизиқли коэффицентни ҳисоблашиб, корреляцион таҳлилидан ёки Спирмен рангли корреляцияси коэффицентидан фойдаланилган. Фарқлар ёки ўзгаришлар аҳамиятлилик даражаси ($p < 0,05$) да ишончли деб топилган.

Диссертациянинг **“ЮИК ва меъда ва ўн икки бармоқли ичак эрозив-яралли шикасталанишлари бўлган беморларнинг клиник тавсифлари”** деб номланган учинчи боби учта кичик бобдан иборат. Биринчи кичик боб “ЮИК бор беморларни рентгенэндоваскуляр амалиётга тайёрлашда меъда ва ўн икки бармоқли ичакдаги эрозив-яралли шикастларининг учраши” деб номланди ва кузатувдаги беморларда ЮИК клиник суръатини ўрганишга бағишланган ва ЮИК беморлари клиник кечиши меъда ва ЎИБИ да яра-эрозив шикастланишлари каби коморбид фон бўлганида маълум фарқланишлар борлигини намоён қилди. Юрак яқин жойлашиши ва иннервацияда умумлашганлик аритмияни пайдо қилиши, меъда тўлиб кетганида ЮИК имитацияси, висцеро-висцерал рефлекслар тури бўйича қизилўнгач патологияси қайтариши мумкин. ЮИК ва ГДЯ бўлган беморларни текширишда қуйидаги хусусиятлар аниқланган: ҳаво етишмаслиги, жисмоний ҳаракатда кўкрак орқасида қисувчи оғриқлар, овқат тановулидан 1-1,5 соат ўтиб эпигастрал соҳада оғриқлар ёки нохушли диспептик бузилишлар. Турли кучда намоён бўлган бу каби симптомларнинг уйғунлиги 25% беморда кузатилган. 14% беморда эпигастрал соҳада оғриқлар ёки нохушлик даврий табиатга эга бўлган, ва овқат тановули ва стенокардитик оғриқлар билан боғлиқ бўлган, бу эса уларнинг ҳаёт сифатини кескин ёмонлаштирган. 8% беморлар сўнгги 3 ой давомида эпигастрал соҳада стенокардитик хуружлар фонида нохушлик ва оғриқлар қўшилишини кузатишган, ва бу бўйича тиббий ёрдам сўраб, шифохонага ётқизилган. 5% беморлар кўкрак орқасида оғриқлар ва ҳаво етишмаслигига шикоят қилганлар. 11% беморлар стенокардия аломатларини кузатмаганлар, 16% беморлар юрак ишида узилишлар бўлаётганига, юрак уриши ва юрак қисқаришлари тўхтаб қолишига шикоят қилганлар. 21% беморлар кўкрак орқасида оғриқ ҳис қилмаганлар, фақат эпигастрал соҳада оғриқ ва нохушликка шикоят қилганлар. Вақти вақти билан

қайт қилиш, ва енгил тортиш ҳолатини 32% бемор таъкидлаган, 27% беморларнинг анамнезида эса меъдадан қон кетиши кузатилган. Ангиноз оғриқлардан (97,4%) ташқари 64 (43,5%) беморларда поспрандиал стенокардия аниқланган (овқат тановули билан боғлиқ кўққисдан тинч вақтда стенокардия хуружлари).

Беморларни текширишнинг етарлича муҳим жиҳати меъда ичак тизими (МИТ) да инфекция кўпайиши ва унинг яра жараёнидаги ўрнини аниқлаб олиш бўлди. 146 нафар меъда ва ЎИБИЯК бўлган ЮИК бор беморларда клиник-эндоскопик кўрсаткичларини ўрганишда хафакон касаллиги фонида кўпинча *H. pylori* инфекцияланиши, яра жараёнини оғирлигини ошириш, касаллик асоратли ва атипик шакллариининг ривожланиши аниқланган.


Демак, *H. pylori* билан боғлиқлик фонида ЮИКнинг МЯК уйғунлиги далили, балки инфекциянинг кучли намоён бўлиши ҳам гастродуоденал патологиянинг кечиш хусусиятига, ҳамда меъда шиллик қаватида морфологик ўзгаришлар даражасига ҳам таъсир кўрсатади.

Шу тариқа, ЮИК бор беморларда гастродуоденал шикастланиш (ГДШ) уйғун бўлса, оғир ҳолат кузатилган, айрим ҳолларда эса ЮИК нинг атипик клиник кечиши кузатилган, у иккала патологияларнинг умумий этиопатогенетик омилларига асосланган. МИТ зарарланган, шу жумладан, *H. pylori* билан боғлиқлик ЮИК бор беморларда ўзаро уйғунлашган кўп даражали, кўп омилли ва гетероген касалликларни инобатга олиш зарур. Патогенетик ва этиологик жараёнларнинг умумийлиги уларнинг уйғун кечиши тасодифий эмаслиги ва асосий патологик жараённинг ривожланишини ёмонлаштириши мумкин, ва бу билан адаптив механизмлар тўхтаб ишлашига олиб келади. Декомпенсациянинг патогенетик триггерларини юрак-қон томир тизими патологиялари ёмонлашиши орқали вегетатив дисфункцияси деб ҳисоблаш зарур.

Шу билан бирга, ЮИК 146 нафар беморларда ГДЗ яра-эрозив шикастланишларининг клиник аломатлари баҳоланди. Қиёслаш гуруҳи гастродуоденал зонаси эрозив-яра шикастланишлари бўлган ва юрак-қон томир касалликлари аниқланмаган 75 нафар бемордан иборат бўлди.

Иккала гуруҳда ГДЗ нинг эрозия яра шикастланиш (ЭЯШ) хусусиятларига эътибор қаратилди, ва ЮИК клиник шаклига боғлиқ, ва ангиноз оғриқлар (94,5%), нафас сиқиши (86,3%), нитроглицерин тўхтатувчи таъсири (85,6%), ангиноз оғриқларнинг овқат тановули билан боғлиқлиги (52%), иштаҳанинг йўқолиши (64,4%), уйқунинг бузилиши (49,3%), ҳаёт сифатининг ёмонлашиши (88,4%), меҳнатга лаёқатининг пасайиши (93,1%), умумий ҳолсизлик (96,6%) 1 гуруҳ беморларда кузатилди. 2 гуруҳ учун энг хос ҳолатлар куйидагилардан иборат бўлди: юрак ритми бузилиши (37,3%) ва эпигастрал соҳада оғриқлар (90,1%), қориннинг барча бўлимларида оғриқлар (84%), метеоризм (78,6%), жиғилдон қайнаши (96%), кекириш (91%) (1-расм). Бундан ташқари, меъда ва ЎИБИЯК бўлган ЮИК беморлари учун меъда ва ЎИБИЯК га хос бўлган симптомлар кузатилди: диспептик бузилишлар, астеник аломатлар. Эпигастрал оғриқларга тўхталсак, улар ярага хос табиатга эга бўлган, кўпинча улар овқат тановули билан боғлиқ бўлган, бироқ овқат тановулигача пайдо бўлиши мумкин бўлган, оч қоринда ва диспептик

бузилишлар сифатида кўриб чиқилган. Аниқланган диспептик симптомлар (жиғилдон қайнаши, кекириш, эпигастрийда оғирлик ва нохушлик ҳисси) тенг даражада меъда ва ЎИБИЯК бўлган ЮИК бор беморларда кузатилган, даврий табиатга эга бўлган ва овқат тановули билан боғлиқ бўлган.



1. ангиноз оғриқ; 2. нафас сиқиши ; 3. юрак ритми бузилиши; 4. нитроглицерин тўхтатувчи таъсири ; ангиноз оғриқларнинг овқат тановули билан боғлиқлиги; 6. эпигастрал соҳада оғриқлар; 7. қориннинг барча бўлимларида оғриқлар; 8. метеоризм; 9. жиғилдон қайнаши; 10. кекириш; 11. иштаҳанинг йўқолиши.; 12. уйқунинг бузилиши ; 13. ҳаёт сифатининг ёмонлашиши ; 14. меҳнатга лаёқатнинг пасайиши ; 15. умумий ҳолсизлик ; 16. Ич қора келиши (анамнезид) *- p <0,001

1-расм. ЮИК бўлган МЭЯШ ва ЮИК бўлмаган МЭЯШ беморларда клиник симптомлари частотасининг қиёсий тавсифи

Аниқланишича, *Helicobacter pylori* билан уйғун гастродуоденал патологияси бўлган ЮИК бор беморларда (26 бемор), клиник сурати маълум хусусиятларга эга бўлган. Диспептик синдром кўп шаклга эга бўлади: эпигастрал оғриқлар – 100 % да, жиғилдон қайнаши – 78,5% да, қориннинг ҳамма бўлимларида оғриқ тарқалиши – 28,6%, метеоризм – 63% да, кекириш – 32,6% да аниқланган.

Алоҳида шуни айтиш керакки, ЮИК да гастропатияларнинг клиник сурати симптоматика ва эндоскопик ўзгаришлар орасида дисбаланс билан ҳам тавсифланган. 70 (47,95%) беморда яра касаллиги ва унга хос шикоятларнинг кучли намоён бўлиши кузатилган. 76 (52,05%) беморда ЖК симптомлари бўлмаган (“гунг яра касаллик”), бунда аксарият ҳолларда хавотирга соларди ва қўшимча ташхислаш услубларини талаб этарди. Шуни айтиш керакки, меъда ва ЎИБИ яра касаллигининг аниқ ва равшан клиник аломатлари (n=34) бўлган беморларда ФЭГДС да аниқланган оғриқлар ёки бошқа диспептик бузилишлар гастродуоденал зонанинг шиллиқ қаватида (ГДЗ ШҚ) минимал ўзгаришлар кузатилган. Аксинча, кўплаб эрозиялар ва яралар бўлганда касаллик симптомсиз кечиши кузатилган.

Тадқиқот давомида катта ва кекса ёшдаги беморлар гуруҳлари ажратилган. Мазкур жиҳатнинг янада батафсил ўрганиш клиник шикоятлари

бўлган катта ёшдаги беморларнинг шикоятларини аниқлаштириб олиш имконини берди. Аввалги натижаларга ўхшаган ҳолда, беморларнинг мазкур гуруҳида (34) жиғилдон қайнаши хос аломат бўлди (13,64%), эпигастрал соҳада оғриқ ва нохушлик билан кечиши (10,57%), ва фақат аҳамиятсиз миқдордаги беморларда кўнгил айнаши (3,85%) ва қорин шишиши (4,81%) кузатилди. Ўз навбатида кекса ёшдаги (56-75) беморларнинг шикоятлари ўрганилиб чиқилганда, хос шикоятлар ўрганилганда, 67,30% ҳолатда клиник маълумотлар ЮИК даги яра касаллигини намоён қилмаган, бироқ 32,69% ҳолатда меъда ва ЎИБИЯК клиникасини тасдиқловчи шикоятлар кузатилган.


Барча беморларда “яра” анамнези баҳоланган ва асоратнинг кўриниши аниқланган (қон кетиши, пенетрация ва перфорация). Анамнез маълумотларининг батафсил ўрганиш “яра” анамнези 7,7% ҳолатда учраганини аниқлаб берди. Қолган вазиятларда касаллик кечиши давомийлиги ортган сайин ва, мос равишда, профилактик антиагрегант терапия кўринишидаги ностероид яллиғланишга қарши воситалар (НЯҚВ) қабул қилиш давомийлиги ортган сайин гастропатия частотаси ортинининг тўғри-пропорционал боғлиқлиги кузатилган. Анамнестик ҳолатда, 70,54% вазиятда беморлар узок вақт давомида патологияни сусайтириш мақсадида, турли фармакологик воситалар ва антиагрегант ва антикоагулянтлардан иборат хос ЮИК терапияси (гепарин ёки кичик молекуляр гепарин (КМГ)) қабул қилганлар (болнос равишда, сўнгра тери остига), аспирин, клопидогрел (кучли доза ва сўнг қўллаб туриш дозаси) қабул қилганлар. Олинган маълумотларни кўриб чиқиб, аксарият ҳолларда беморлар шифохонага келишдан аввал, ЮИК даволаш режасида кардиомагнил (82,87%), тромбо-АСС (73,97%), статинларни (70,54%) 3 ойдан кўп қабул қилганлар. 31,50% ҳолатда беморлар аспирин, 17,80% - варфарин, в 16,43% - гепарин ёки КМГ қабул қилганлар. Мазкур воситалар узок вақт қабул қилинмаган. Кейинроқ аҳвол ёмонлашганида шифохонага ётқизилган. Патологиянинг оғирлигига мувофиқ ҳолда, беморлар даволашнинг қўлланиладиган дастурлари бўйича 3 гуруҳга ажратилганлар: 1 гуруҳ – 26 бемор (17,80%) даволаш жараёнида клопидогрел ёки аспиринни монотерапиясини қабул қилганлар; 2 гуруҳ - 69 (47,26%) бемор иккилик анти тромбоцитар терапия (ИАТТ) – клопидогрел ва аспириндан иборат терапияни; 3 – гуруҳ – 51 (34,94%) – учлик анти тромбоцитар терапия (УАТТ) – гепарин ёки (КМГ), аспирин ва клопидогрелдан иборат терапияни қабул қилган. Ривожланаётган асоратлар бўйича олинган маълумотларни кўриб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, 36,30% ҳолатда МИК аниқланган, шундан 2 гуруҳда (22,6%) ва 1 ва 3 гуруҳларда бу асорат тенг кўрсаткич 6,8% га тенг бўлган. Яра жараёнининг таъсири масаласини ўрганишда, анемия кузатувдаги 43 (29,45%) беморда 1-2 даражасида аниқланган. Текширувдаги ЮИК беморларида анемия бўлишини таҳлил қилинганда енгил анемия (Hb 119—90 г/л) 34 (23,28%) беморда, ўртача анемия (Hb 89—96 г/л) — 8 (5,5%) беморда, анемиянинг оғир шакли (Hb <60 г/л) — 1 (0,68%) беморда аниқланган. Беморларни ёш гуруҳлари бўйича тақсимланишига кўра, катта ёшдаги барча беморларда (104 бемор) 1-2 даражадаги анемия қайд этилган. Енгил анемия (Hb 119—90 г/л) 33 (31,7%) беморда, ўртача шакли (Hb 89—96 г/л) — у 3 (2,88%) беморда, оғир шакли (Hb <60 г/л) — 1 (0,96%) беморда аниқланган.

Шу тариқа, ЮИК бор беморларда эрозив яра шикастланишлари ривожланишига антиагрегант ёки антикоагулянт воситаларни қабул қилиш ҳам сабаб бўлиши мумкин. МИК меъда ва ЎИБИ зарарланиши асорати сифатида аксарият ҳолларда (47,3%) антиагрегант (клопидогрел+аспирин) комбинацияли терапиясини қабул қилиш билан ҳам боғлиқдир.

Иккинчи кичик бобда – “Меъда ва ўн икки бармоқли ичак эрозив-яра касалликлари ва ЮИК бор беморларнинг гастродуоденал зонасида эндоскопик сурат” бобида таҳлил берилган ва ЮИК бўлган беморларда меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касалликларини аниқлаш баҳоланган. Бу мақсадда беморларни текширишда ЭФГДС услубиёти қўлланилган. Яра жараёнининг миқдорий тавсифини кўриб чиқиб, беморларнинг умумий сонидан (146) яра пайдо бўлиш ҳолатлари 182 ҳолатда аниқланди, ва ЖССТ (2012) таснифига кўра, улар якка ва кўп сонли турларига ажратилди. Энг кўп вазиятларда меъда ва ЎИБИ кўп сонли яралари аниқланган (53,30%), якка – 46,70%, бунда эркакларда кўп сонли яралар якка турига (12,64%) нисбатан 2,5 баробар (40,66%) кўп экани кузатилган. Ўз навбатида, текширилган беморларда меъда ва ЎИБИ яраларининг уйғун шакли частотаси 35 (23,97%) ҳолатда, эркакларда (77,14%), аёлларда (22,85%), текширилганлар умумий миқдоридан мазкур кўрсаткич 18,49% ва 5,48% ни ташкил қилган.

Тадқиқот натижалари шунингдек, аёлларга нисбатан эркакларда ҳар турли асоратларсиз кечаётган якка ёки кўп сонли яраларнинг катта миқдорини намоён қилди (42% ва 47% , 15% ва 19% қарши, мос равишда). Ўз навбатида асоратли якка ва кўп сонли яралар анча кам кузатилган. Бироқ улар аёлларга нисбатан (2,19% ва 10,44%) катта миқдорда эркакларда (14,83% ва 25,82% мос равишда) аниқланди. Мазкур вазият эркакларда ЮИК шаклланиши, ҳамда яра касаллиги – коморбид ҳолат шаклланишига маълум из қолдирадиган турли хавф омилларининг юқори частотаси билан боғлиқдир.

ЭФГДС да аниқланган ЮИК бўлган беморларда яра жараёнини жойлашувини ўрганишда яраларнинг катта қисми меъда ва ЎИБИ (22,05%) антрал (46,18%) ва пилорик (25,84%) қисмларида жойлашгани кузатилган (2-расм).



2-расм. Яра зарарланишларини жойлашуви учраш частотаси

Изоҳ: маълумотлар фоиз кўринишида берилган.

Қон кетишлар билан асоратланган яралар жойлашувини ўрганиш таҳлилига кўра, уларнинг катта қисми МИҚК нинг антрал бўлимида (46,18%) экани аниқланган, эркакларда (14,83%) аёлларга (5,08%) нисбатан 3 марта ортиқ бўлган. Шунингдек, МИҚК нинг катта миқдори ЎИБИ яраларига (23,15%) ва яна бу кўрсаткич аёлларга (5,26%) нисбатан эркакларга (17,89%) тўғри келган. Қонаётган яраларнинг нисбий частотаси меъданинг пилорик қисмига тўғри келган (19-13,01%), кўрсаткич эркакларда (6,78%), аёлларга нисбатан (1,27%) юқорироқ бўлган. Фақат яралардан қон кетишининг кичик миқдори меъданинг кардиал бўлимига тўғри келган (7 – 4,79%), эркакларда бу частота 1,27%, аёлларда эса – 1,69% ни ташкил этган.

Тадқиқотлар йўналишларидан бири энг нозик гуруҳлардан бўлган кекса ёшдаги шахсларда яра жараёни ўрганилди (104 беморлар). ЮИК бор беморларда яраларнинг умумий миқдори (146) катта ёшдаги беморлар 56-65 ёшли беморлардан (68 бемор) 26 нафариди (17,80%), 66-75 ёшли беморлар (36 бемор) – 12 (8,21%) ҳолатда аниқланган, бу кўрсаткич замонавий манбалар натижалари билан мувофиқлашган. Ўз навбатида якка асоратсиз яралар 15 (10,27%) ҳолатда аниқланган, асоратлилари - (10,27%) га тўғри келган. Кўп сонли яралар 8 (5,47%) беморда аниқланган, асоратсиз яралар 3 (2,05%) ҳолатда, асоратлилари - 5 (3,42%) шахсда аниқланган. 56-65 ёш гуруҳидаги беморларда асоратсиз якка яралар частотаси 7,53%, 66-75 ёш гуруҳида – 2,73% ни ташкил қилган. Мазкур беморларда асосий симптомлар диспептик бўлган. Мазкур гуруҳда бошқа ёш гуруҳига нисбатан анемия жараёни яққол намоён бўлмаган ва МИТ дан қон кетиш аломатлари кузатилмаган, бироқ эпигастрал соҳада оғриқлар кучли ва давомий бўлган. Якка асоратли яралар, 56-65 ёшдаги беморларда - 7,53% ҳолатда кузатилган, 66-75 ёш беморларда - 2,73% ҳолатда кузатилган. Мазкур гуруҳда МИТ дан қисқа, кучсиз, кам учрайдиган қон кетишлар, 2 даражали анемия, эпигастрал соҳада оғриқлар камроқ кузатилган.

Катта ёшдаги шахсларда кўп сонли яралар частотаси кўриб чиқилганда, 56-65 ёш гуруҳида 66-75 ёш гуруҳига нисбатан асоратсиз яра миқдорий нисбати юқори бўлган (2,05% ва 0,68%, мос равишда). Ўз навбатида кўп сонли асоратли яралар 66-75 ёш гуруҳида 56-65 ёш гуруҳига нисбатан кўпроқ учрагани аниқланган (2,05% ва 1,36%, мос равишда). Асоратли ва асоратсиз кўп сонли яраларнинг якуний кўрсаткичлари 66-74 ёш гуруҳига нисбатан (6,43%), катта миқдорда 56-65 ёш гуруҳида (17,80%) учраган.

Тадқиқотимизда Рокли прогностик шкаласини қўллашда яра жараёни бўлган деярли барча 38 нафар кекса ёшдаги беморларда қайта қон кетишининг юқори хавфи ва нохуш оқибатлар эҳтимоли 7-8 баллга тўғри келган.

Forrest бўйича қон кетишларнинг таснифини қўллаш орқали эндоскопик тадқиқотда F1a 1 (1,5%) беморда намоён бўлган, бироқ ярадан яққол тиркираб, давомий қон кетган; F2b - 20 (31,74%) мавжуд қон кетишлар; F2c — 40 (19,4%) F3 — 2 (3,17%) қон кетиш аломатлари йўқ.

ЭФГДС услубиётини амалга ошириш натижасида замонавий таснифлаш аломатларини қўллаган ҳолда яралар жойлашуви ўлчамларини ўрнатиш имкони пайдо бўлди. 146 нафар ЮИК беморларида ўтказилган эндоскопик тадқиқотга кўра, яра жараёнлари ва уларнинг частотаси эркакларда 75,34% да

ва аёлларда – 24,66% да кузатилган. Эрозия нуқсонлари тузилмасида меъда шиллик қавати (МШҚ) зарарланишлари кўпроқ учраган – 52,73% да, бунда ярмидан ортиқ вазиятда ўн икки бармоқли ичак шиллик қаватида (ЎИБИШҚ) уйғун келган. ЎИБИШҚ якка эрозиялари ўта кам учраган. МШҚ эрозив ўзгаришлари аксарият ҳолларда сурункали табиатга эга бўлган (63,0% меъда эрозияларининг барча ҳолатларида), ЎИБИШҚ эрозиялари, аксинча, ўткир табиатга эга бўлган (67,4% меъда эрозияларининг барча ҳолатларида). Олинган маълумотларга кўра, яраларнинг катта миқдори 1 см диаметр ўлчамида бўлган, аёлларга (13,2%) нисбатан асосан эркакларда (39,72%) кўп бўлган. Улардан асоратли МИҚК лари эркакларда – 36 (62,06%) ва аёлларда – 9 (47,37%) ни ташкил қилган. Яралар ўлчами 1,1 дан 1,5 см катталиқда 8,9% беморла аниқланган, 5,5 % эркакда ва 3,40% аёлларда учраган, қон кетишлари уланинг 35% ида кузатилган.

1,6-2,0 см яра ўлчамлари эркакларда – 2,74% да аниқланди, аёлларда – аниқланмаган. Мазкур яра жараёнлари маълумотларидан қон кетишлар 25% га тўғри келган.

Энг кўп ҳолларда овал шаклли (47,4%) ва юмалоқ шаклли (28,1%) яралар учраган. Япалоқ ва чуқур яралар бир хил частотада кузатилган (49,1% ва 50,9%).

Аксарият беморларга (77,2%) яра нуқсонлари хос бўлган, уларнинг туби детрит ва фибриноз караш билан қопланган. Аксарият ҳолларда (78,9%) яра зарарланишлари меъда ва ўн икки бармоқли ичак деформацияси билан ёндош бўлган. Яра нуқсонларининг ўлчамлари жойлашув жойига боғлиқ бўлмаган. Энг кўп ҳолатда 5 мм диаметрли яралар аниқланган (28 бемор; 49,1%), 1,5 см дан катта диаметрли яралар ўта кам учраган – 7,0% беморда.

Шу тариқа, ЮИК беморларида МИТ яралари зарарланишлари асосан меъданинг антрал бўлимида жойлашган. Якка ва кўп сонли яралар (асоратли ва асоратсиз) 66-74 ёш гуруҳига 24,66% нисбатан асосан 56-65 ёш гуруҳида 46,54% қайд этилган.

Форрест бўйича ГДЗ эрозив-яралари зарарланишлари ва ЮИК бўлган беморларнинг 43,15% ҳолатида меъда-ичакдан қон кетишлар кузатилган, асосий манбаси меъда ва ўн икки бармоқли ичакнинг антрал ва пилорик бўлимларидан қон кетган. МИҚК ЮИК бор беморларнинг катта қисмида (47,26%) антиагрегантлардан иборат аралаш турдаги терапияни (клопидогрел+аспирин) қабул қилиш билан уйғун бўлган. Меъда ва ўн икки бармоқли ичакнинг яра зарарланишлари, шу жумладан, асоратли қон кетишлар катта миқдори эркак жинсидаги ЮИК беморларда кузатилган.

Текширувдаги беморларнинг яралари ўлчами омили эътиборни тортади (3-жадвал), агар кичик ўлчамдаги яралар ЮИК бўлган МЭЯШ беморларда кўпроқ учраган бўлса (83,5%), йирикроқ яралар (1,1-1,5 см, ва 1,6-2,0 см) ЮИК бўлмаган МЭЯШ беморларга хос бўлган (56% ва 14,7% мос равишда). Меъда антрал бўлимидаги ва ЎИБИ яра жараёни жойлашуви (65,1% ва 28,57%, мос равишда) ЮИК бўлмаган МЭЯШ беморларга хос сурат бўлган, бироқ ЮИК бўлган МЭЯШ беморларга кардиал (5,93%) ва пилорик (25,8%) бўлимларида яралар ҳосил бўлиши хос бўлган. Кўпинча ЮИК бўлмаган МЭЯШ ўтнинг

дуоденогастрал рефлюкси (ЎДГРЖ) беморларда меъда ва ЎИБИ яралари кузатилган (42,67%). Ўз навбатида НР билан боғлиқлик ҳолати ҳам айнан шу беморларда тарқалган (57,33%). Яра жараёнининг қадимлигини қиёслашда ЮИК бўлмаган МЭЯШ беморларда яра касаллигининг анамнестик даври узоқроқ бўлган ва кўпинча учраб турган (50,67%) (1-жадвал).


1-жадвал

ЮИК бўлган ЭЯШ ва ЮИК бўлмаган ЭЯШ нинг фарқли эндоскопик тавсифи

Кўрсаткич	1 гуруҳ (n=146) ЮИК бўлган МЭЯШ		2 гуруҳ (n=75) ЮИК бўлмаган МЭЯШ		χ ²	P
	абс.	%	абс.	%		
Якка яра	85	58,2%	59	81,3%	9.125	<0,001
Кўп сонли яра	97	66,44%	31	41,3%	12.813	<0,001
Уйғун яра	35	23,97%	7	9,33%	6.899	0,009
Яра ўлчами						
1 см гача	122	83,57%	22	29,3%	61.350	<0,001
1,1-1,5см	20	13,69%	42	56%	73.545	<0,001
1,6-2,0см	4	2,74%	11	14,7%	11.141	<0,001
Яра жойлашган ўрни						
Кардиал бўлим	14	5,93%	4	4,2%	1.199	0,274
Антрал бўлим	109	46,18%	62	65,1%	1.816	0,178
Пилорик бўлим	61	25,84%	9	8,57%	20.305	<0,001
ЎИБИ	52	22,05%	30	28,57%	0.408	0,523
Ўтнинг дуоденогастрал рефлюкси бўлган меъда ва ЎИБИ яраси	36	24,66%	32	42,67%	7.544	0,007
НР хусусияти	27	17,80%	43	57,33%	34.538	<0,001
